

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАНИЯЗОВА МАКСУДА БАЛТАБАЕВНА

МИЛЛИЙ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Economics Sciences**

Атаниязова Максуда Балтабаевна

Миллий меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш 3

Атаниязова Максуда Балтабаевна

Совершенствование регулирования национального рынка труда 25

Атаниязова Максуда Балтабаевна

Improving the regulation of national labor market 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАНИЯЗОВА МАКСУДА БАЛТАБАЕВНА

МИЛЛИЙ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018йил

Фалсафа фанлари (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Iqt48 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг www.tdiu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ортиқова Дилором Абдурахимовна**
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Абулқосимов Хасан Пирназарович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мамарасулов Фазлиддин Умарович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.I.16.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

К.Х.Абдурахманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР Фанлар академиясининг академиги, и.ф.д., профессор

Н.Т.Шаюсупова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Ш.Р. Холмуминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Меҳнат бозорида глобаллашув оқибатлари келтириб чиқараётган муаммоларни тадқиқ этиш, уларни ҳал этиш йўллари аниқлаш, меҳнат бозорини тартибга солиш ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишсизлик кўрсаткичларининг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги кўпчилик мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий беқарорликни келтириб чиқарувчи омилга айланмоқда. Айниқса ёшлар ўртасида мазкур кўрсаткичнинг юқори эканлиги айрим давлатларда нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий вазиятнинг ҳам кескинлашувига олиб келмоқда. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра дунёда ишсизлар сони 2016 йил – 197,7 млн. кишини, 2017 йил – 201,1 млн. кишини ташкил этди¹. 2018 йилда ишсизлар сони ўтган йилга нисбатан 2,7 млн. кишига ортиши прогноз қилинмоқда. Бундай шароитда мамлакатлар меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти тобора ортиб боради.

Жаҳон амалиётида тўпланган тажрибалар, жумладан, ишга жойлаштириш жараёнига илғор ахборот технологияларини фаол жорий этиш, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш бозорида замонавий инфратузилма ва рақобат муҳитини яратиш, меҳнат бозори ва аҳолининг айрим ижтимоий-демографик гуруҳлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иш ўринлари яратиш бўйича давлат буюртмаларини шакллантириш каби механизмлардан фойдаланган ҳолда меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, миллий меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Бугунги кунда республикада меҳнат бозорига кириб келаётган меҳнат ресурсларини, шу жумладан, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, меҳнат бозори талабларига мослаштириш, ишчи кучига талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш каби ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш»² вазифаси қўйилган. Бу вазифаларни самарали ҳал этиш миллий меҳнат бозорида кечаётган жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганишни, уни тартибга солиш

¹ World Employment and Social Outlook Trends 2017 (WESO). P.6. Электрон манба: // www.ilo.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // Lex.uz

механизмларини такомиллаштиришни,бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони,Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги 52-сонли «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, ҳар йили республикада қабул қилинадиган «Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари ҳамда соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш, иш билан бандлик, ишсизлик каби муаммоларни фундаментал тадқиқ этишга хорижлик ва мамлакатимиз етакчи иқтисодчи олимларининг қатор илмий ишлари бағишланган. Меҳнат бозори ва иш билан бандликнинг институционал жиҳатлари ва ечимлари классик назария вакиллари ва бошқа бир қатор хорижлик олимлар, жумладан, А.Смит, Д.Риккардо, У.Петти, А.Маршалл, М.Фридмен, В.А.Жамин, СЛ.Костанян, С.Г.Струмилини ва бошқаларнинг ишларида чуқур тадқиқ этилган³.

Меҳнат бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши, уни тартибга солиш каби масалалар борасида МДҲ мамлакатлари олимларидан В.Бобков, В.Буланов, М. Винокуров, Н.Волгин, Г.Гендлер, Б.Генкин, В.Гимпельсон, Н.Горелов, Т.Заславская, С.Карташов, И.Маслова, Ю.Одегов, Г.Руденко, Н.Римашевская, А.Рофе ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁴.

³ Смит А. Трактат о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. В.С. Афанасьева. - М.: Эксмо, 2007. – 960 с.; Риккардо Д. Начало политической экономики, и податного обложения./ Пер. с англ. Под. ред. П.Н. Клюкина. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.; Петти У. Экономические и статистические работы. Пер. с англ. – М.: «Директ-Медиа», 2007. – 324 с.; Маршалл А. Основы экономической науки. / Пер. с англ. – М.: Эксмо, 2007. - 832 с.; Фридмен М. Если бы деньги заговорили: Пер. с англ. - М.: Дело, 2002. - 158 с.; Жамин В.А., Костанян СЛ. Экономика и образование. - М.: Знание. – 1970. - 48 с.; Струмилини С.Г. Проблемы экономики труда. – М.: Госполитиздат, 1982. - 733 с.

⁴ Карташов С.А., Одегов Ю.Г. Рынок труда.-М.: ЗАО «Экономика», 1998.; Бобков В.Н., Бреев Б.Д., Буланов В.С. и др. Рынок труда: Учебник для вузов. -М: Экзамен, 2003.; Волгин Н.А., Гриценко Н.Н., Шарков Ф.И. Социальное государство.М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2003. 415 с.; Экономика труда: (социально-трудовые отношения). Под ред. Н.А. Волгина, Ю.Г. Одегова.М.:Экзамен, 2006.; Генкин Б.М. Экономика и социология труда. М.:Изд-во «Норма», 2003. 416 с.; Экономика труда. Учебник. Под ред. Проф. М.А. Винокурова. М.: 2004, 656 с.; Топилин А.В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития. -М.: Экономика, 2004.; Кязимов К.Г. Рынок труда и занятость населения.-М.: Перспектива, 2005.; Панков Б.П. Рынок труда на селе и его регулирование. Изд. 2-е, переработанные и дополненное.-М.: Агри Пресс, 2007. -267с.; Рофе А.И. Труд: теория, экономика, организация: Учебник для вузов. -М.: МИК, 2005. -600 с.;Татибеков Б.Л. Регулирование рынка труда и занятости человеческих

Ўзбекистонда миллий меҳнат бозорини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, уни тартибга солиш муаммоларини ўрганиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизлик муаммоларини ҳал этиш масалаларига ўзбекистонлик олимлардан Қ.Х.Абдурахмонов, Ш.Н.Зайнутдинов, Н.Қ.Зокирова, Л.П. Максакова, Д.А.Ортиқова, Д.Н.Раҳимова, Н.Х.Раҳимова, Р.А.Убайдуллаева, Б.Х.Умурзаков, Ш.Р.Холмўминов, К.З.Хомитов, ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган⁵.

Иқтисодиётни янада ривожлантиришни таъминлаш шароитида мамлакатимизда меҳнат бозорини тартибга солиш борасида услубий ва концептуал ёндашувларнинг етарлича асосланмаганлиги ва тизимлаштирилмаганлиги ушбу муаммони назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш режасига мувофиқ Ф-1-103-сон «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитларида инсон салоҳиятини ривожлантириш» (01.01.2012 – 31.12.2016) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республика меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш асосида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

меҳнат бозорини тартибга солишга доир назарий-услубий ёндашувларнинг таҳлилини амалга ошириш ва «меҳнат бозорини тартибга солиш» тушунчасига нисбатан муаллифлик қарашларини шакллантириш;

меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш усуллари, восита ва шакллари аниқлаш;

ривожланган мамлакатларнинг меҳнат бозорини тартибга солиш борасидаги тажрибаларини умумлаштириш ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг ривожланиш ҳолатини кластерли таҳлил қилиш;

мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда аҳоли, жумладан, таълим муассасалари битирувчилари, аёллар, мамлакатга

ресурсов Казахстана в условиях глобализации (теория, методология, механизмы реализации). Автореферат дис. док. экон. наук. -Алматы: Институт Экономики Минобразования и науки Респ.Каз. 2007. -С.42.

⁵ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти.-Тошкент: Mehnat, 2009 -512 б; Abdurahmonov Q.X, Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. O'quv qo'llanma. - Т.: «Fan va texnologiya», 2013. – 536 б.; Максакова Л.П. Миграция населения: проблемы регулирования. -Ташкент, 2001.; Артыкова Д.А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. –Ташкент:Фан, 2005; Артыкова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ. Автореферат дис. док. экон. наук. - Тошкент: АНРУз Институт Экономики. 2006.; Раҳимова Д.Н. и др. Образовательный маркетинг и рынок труда: Научное издание /Под ред. проф. Одегова Ю.Г. - М.Современный писатель, 2005. - 172 с.; Раҳимова Н.Х. Роль и место женщины на рынке труда Узбекистана, теория и практика –Т.: Фан, 2006.; Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳоли бандлиги. -Тошкент, 2006.; Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (ўқув кўлланма).-Тошкент: ТДИУ, 2004. - 144 б; Хомитов К.З. Қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожланиши муаммолари. -Тошкент: Фан, 2009. -184 б.

қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

меҳнат бозори ривожланишининг истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

миллий меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – республика меҳнат бозори ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети республика меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишда юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳнат бозорини тартибга солишнинг йўналиши сифатида таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасидаги ишларини мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги доимий асосда ишловчи (худудий) комиссиялар томонидан ташкил этилиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш мақсадида битирувчи курс ўқувчилари учун бизнес режалар ишлаб чиқишни амалга ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш асосланган;

яратилаётган янги иш ўринларини ҳақиқий миқёсини баҳолаш мақсадида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрлари таркибига ўзгартириш киритиш, жумладан, корхоналарни оптималлаштириш, банкротга учраши ва тугатилиши натижасида қисқартирилган иш ўринларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган;

иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларини белгилашда қишлоқ хўжалигида мавсумий ва вақтинчалик ишларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида, шахсий томорқа ва дехқон хўжаликларида, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик соҳасидаги бандликни ҳисобга олиш таклифи ишлаб чиқилган;

худудий меҳнат бозори самарадорлигини баҳолашнинг усули сифатида вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари фаолиятини аҳоли, жумладан, коллеж битирувчилари, аёллар, четдан қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқлиги асосланган ва баҳолаш мезонлари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида иш ўринларини ташкил этиш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди;

туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги доимий асосда ишловчи (худудий) комиссиялар ташкил этилиши ва айнан улар касб-ҳунар

коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириши мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилди;

коллеж битирувчилари орасида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошловчи ўқувчилар сонининг ўрта ҳисобда 20 фоизга ошишига эришилди;

республикада ишлаб чиқиляётган ва амалга ошириляётган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида яратилляётган янги иш ўринларининг ҳақиқий миқёсини баҳолаш имконияти яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан меҳнат бозорини тартибга солиш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, иш ўринларини ташкил қилиш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш йўналишларида илмий аппаратни бойитиш билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, бандликка қўмаклашиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш, мутахассислар, ишчи кучига талаб ва таклиф эгилувчанлигини мувофиқлаштиришда фойдаланиш мумкинлигидан иборат. Тадқиқот натижаларидан «Меҳнат иқтисодиёти», «Меҳнат бозори иқтисодиёти», «Кадрлар менежменти» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан «Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2015 йил 10 мартдаги 52-сонли қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2016 йил 9 февралдаги 02-04/401-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш вазифаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги доимий асосда ишловчи комиссиялар зиммасига юкланиши ва коллеж битирувчилари орасида

ўз тадбиркорлик фаолиятини бошловчи ўқувчилар сонининг ўрта ҳисобда 20% ошишига эришилган;

иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрлари таркибига ўзгартириш киритиш, жумладан, корхоналарни оптималлаштирилиши, банкротга учраши ва тугатилиши натижасида ҳамда индивидуал тадбиркорлик соҳасида қисқартирилган иш ўринларини ҳисобга олган ҳолда уларни белгилаш таклифларидан «2017 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури» параметрлари таркибини белгилашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2017 йил 26 декабрдаги 02-22/6419-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ташкил этилаётган иш ўринларини сақлаб қолиш, яратилаётган янги иш ўринларининг ҳақиқий миқёсини белгилаш имконини берган;

иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури параметрларини белгилашда қишлоқ хўжалигида мавсумий ва вақтинчалик ишларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида, шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларидан, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик соҳасидаги бандликни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги таклифлардан «2017 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» параметрлари таркибини белгилашда фойдаланилган. (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2017 йил 26 декабрдаги 02-22/6419-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ташкил этилаётган иш ўринларини сақлаб қолиш, иш жойлари қисқаришидан олдин ишчи комиссиялари йиғилишида уларнинг сабабларини муҳокама қилиб, тиклаш чораларини кўриш, яратилаётган янги иш ўринларининг ҳақиқий миқёсини белгилаш имконини берган;

вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари фаолиятини аҳоли, жумладан, коллеж битирувчилари, аёллар, четдан қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан қабул қилинган ва 2016 йил 28 декабрдаги 159-ИЧ-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий этилган. (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2017 йил 26 декабрдаги 02-22/6420-сон маълумотномаси). Методикадан фойдаланиш ҳудудий меҳнат бозори самарадорлигини ошириш, коллеж битирувчилари, аёллар, четдан қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш бўйича ишларни фаоллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан 2 та монография, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 11 та ва нуфузли хорижий журналларда 3 та

илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 12 та маъруза тезис чоп этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 164 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меҳнат бозорини тартибга солишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида, меҳнат бозорини тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти асосланган, меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш сиёсатининг мазмуни ёритилган, функциялари ва воситалари тизимлаштирилган, хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорини тартибга солиш борасидаги тажрибалари ўрганилган ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Ишда таъкидланишича, меҳнат бозорини тартибга солиш аҳолининг тўлиқ ва самарали иш билан бандлигига эришиш, ишсизлик миқёсларини қисқартириш, миллий меҳнат бозорининг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган жараёни ўзида намоён этади.

Диссертация ишида хорижлик ва республика иқтисодчи олимларининг ёндашувларидан келиб чиқиб, **меҳнат бозорини тартибга солиш тушунчасига қуйидагича таъриф берилган**, яъни меҳнат бозорини тартибга солиш ишчи кучига талаб билан таклиф ўртасидаги динамик мувозанат, аҳолининг тўлиқ ва самарали иш билан бандлигига эришиш ҳамда меҳнат бозорининг самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида тартибга солиш субъектлари томонидан меҳнат бозорини фаолият кўрсатишининг турли даражаларида унга таъсир кўрсатиш соҳасидаги функциялари орқали амалга оширилувчи таркиблаштирилган усул, шакл ва жараёнлар тизимидир. Ишда мазкур тизимнинг самарали ишлаши меҳнат бозориди талаб ва таклифнинг мувозанатига эришиш, ишсизлик миқёсларини камайтириш, аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, заиф гуруҳларини иш билан таъминлаш орқали уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш имкониятларини оширишга хизмат қилиши асослаб берилган.



1-расм: Мехнат бозорини тартибга солиш модели¹

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий ва узоқ муддатли манфаатларини ҳисобга олиб, ҳокимият органларининг фаолиятини ёлланма ходимларнинг ҳам, иш берувчи корхоналарнинг ҳам меҳнатга эҳтиёжларини қондиришга йўналтирган ҳолда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш функцияларини кенгайтириш ва сифат жиҳатдан ўзгартиришдан иборат аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш давлат сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Тадқиқот ишида давлат томонидан тартибга солиш функцияларининг кенгайтирилган таркиби асосида меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш модели таклиф этилди. Бундай функциялар жумласига мослаштириш, барқарорлаштириш, интеграциялаш, меъёрий-ҳуқуқий, рағбатлантирувчи, мувофиқлаштирувчи, ахборот ва прогноз қилиш функциялари ҳамда стратегик режалаштириш каби функциялар киритилди. Мазкур функцияларнинг амалга оширилиши давлат бошқаруви органлари томонидан аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилишида прогноз қилиш, стратегик таҳлил қилиш ва йўл хариталарини тузишнинг замонавий воситаларини қўллашни назарда тутди.

Глобаллашув шароитида кўплаб хорижий мамлакатларда миллий меҳнат бозорларини тартибга солишга нисбатан янги ёндашувлар шакллантирилмоқда. Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг фаол иштирокчиси эканлигидан келиб чиқиб, меҳнат бозорини тартибга солиш механизмларини шакллантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб, диссертация ишида Европа мамлакатларининг меҳнат бозорини тартибга солиш борасидаги тажрибалари ўрганилган. Улар меҳнат бозорини тартибга солишга бўлган ёндашувларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Минтақа мамлакатларида аҳоли бандлиги шаклининг ўзгариши билан боғлиқ салбий ижтимоий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида меҳнат ресурслари ва бизнеснинг иш билан бандликнинг ностандарт шакллари қўллаш масалаларидаги манфаатлари ўртасида мувозанатни таъминлашга йўналтирилган дастурлар фаол амалга оширилмоқда. Муаллифнинг фикрича, меҳнат бозорида мослашувчанлик (*Flexibility*) ва хавфсизлик (*Security*) даражасини комплекс ошириш стратегияси сифатида таърифланиши мумкин бўлган мослашувчан бандлик стратегияси ёки Флексикьюрити (*Flexicurity*) алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Флексикьюрити бандлик сиёсатининг ҳозирда шаклланган модели тарихи XIX асрдаги Данияга бориб тақалади. Бунда иш берувчилар билан касаба уюшмалари ўртасидаги музокаралар 1899 йил Муросаси (Меҳнат бозори конституцияси)нинг пайдо бўлишига олиб келган эди. Ўшанда биринчи марта ўзаро фойдали ижтимоий муроасага келишга уриниш амалга оширилган эди. Кейинчалик унинг айрим қоидалари қайта кўриб чиқилди ва у 1960 йилда «Асосий келишув» номини олди. Ушбу модель иш берувчининг бандликни бошқариш ва меҳнат тақсимотини амалга ошириш ҳуқуқи, шу жумладан, меҳнат ресурсларини

бозор конъюктурасига қараб ишдан бўшатиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда касаба уюшмаси фаолиятининг эркинлигини назарда тутган эди.

Тадқиқот ишида Европа мамлакатларининг бандликни мослаштириш масалаларидаги ижобий тажрибасини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тартибга солиш амалиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган ва бу борада амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар таклиф этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби – **«Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорини тартибга солиш ҳолати ва тенденциялари»** деб номланиб, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг ўзгариши ҳамда унга таъсир этувчи асосий омиллар таҳлил қилинган, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш таклифлари ишлаб чиқилган, меҳнат бозорида ишсизларни ишга жойлаштириш ҳолати таҳлил қилинган.

Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг ўзгаришининг таҳлили охириги беш йил ичида ишчи кучи таклифи 10,6 фоизга ўсганлигини кўрсатди. Республикада ишчи кучи таклифи меҳнат бозорига илк кирувчи шахслар, ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳоли ва муддатли ҳарбий хизматдан қайтганлар, жазони ўташдан озод этилганлардан таркиб топади. Таҳлил қилинаётган йилларда меҳнат бозорига илк кирувчи шахслар сони 3,0 фоизга кўпайган. Алоҳида қайд этиш лозимки, меҳнат бозорига илк кирувчи шахсларнинг асосий қисмини (83%) касб-ҳунар коллежларини битирувчилар ташкил этади.

Миллий меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг асосий қисмини ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳоли ташкил этади. Таҳлил қилинаётган даврда уларнинг сони 16,3 фоизга ўсган. Ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳоли таркибида республикага қайтиб келган мигрантлар сони 3,0 мартага ортган. Таъкидлаш жоизки уларнинг улуши 2011 йилда 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 16,1 фоизга етган. Муаллифнинг фикрича, қайтиб келган меҳнат мигрантлари сонининг юқори суръатда ўсишига асосан иккита омил, яъни, жаҳонда ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда республикада ташкил қилинаётган янги иш ўринлари сонининг ортиши таъсир кўрсатмоқда. Ўз навбатида, 2011-2016 йиллар давомида ишчи кучи таклифининг таркибида муддатли ҳарбий хизматдан қайтганлар ва жазони ўташдан озод этилганлар сони 55,3 фоизга кўпайган.

Олиб борилган таҳлиллар меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ишчи кучи таклифига нисбатан паст суръатларда ўсганлигини кўрсатади. Хусусан, 2016 йилда 2011 йилга нисбатан республика меҳнат бозорида ишчи кучига талаб – 2,6, ишчи кучи таклифи эса юқорида таъкидланганидек, 10,6 фоизга ортган. Ишчи кучига талаб ходимларнинг табиий ишдан кетиши (пенсияга чиқиш, ўлим ва ҳ.к.) сабабли иш ўринларининг пайдо бўлиши, бандликка

кўмаклашиш марказларига иш берувчилар томонидан берилган бўш иш ўринлари ҳамда янги ташкил қилинган иш ўринлари ҳисобидан шаклланади.

Бундан ташқари, таҳлиллар миллий меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи унга талабдан 2011 йилда – 50, 2016 йилда эса 147,8 минг кишига ортиқлигини кўрсатди. Таҳлиллар яна кўрсатдики, миллий меҳнат бозорида ишчи кучига талаб таркибида табиий ишдан кетиши туфайли пайдо бўлган иш ўринлари сони 7,2 фоизга камайган, аксинча бу даврда янги ташкил қилинган иш ўринлари сони эса 3,3 фоизга, бандликка кўмаклашиш марказларига иш берувчилар томонидан берилган бўш иш ўринлари сонининг 13,2 фоизга кўпайганлиги кўзга ташланади.

Тадқиқот ишида республика минтақавий меҳнат бозорлари иш билан бандликнинг янги турини тавсифловчи кўрсаткичлар асосида кластерли таҳлил қилинди. Бунда иш билан бандлик таркибининг алоҳида жиҳатларини тавсифловчи кўрсаткичлар, жумладан, хизматлар соҳасидаги иш билан бандлик, кичик бизнес соҳасида иш билан бандлик, иш билан банд бўлганлар таркибида илмий тадқиқот ва ишланмалар билан банд ходимлар улуши, иш билан банд бўлганлар таркибида олий маълумотлилар улушини ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланилди.

1-жадвал

Кластер бўйича ҳудудий меҳнат бозорининг ҳаракати

Ҳудудлар	Йиллар			
	2000	2005	2010	2016
Қорақалпоғистон Республикаси	3	3	3	3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	4	4	3	3
Бухоро	4	4	4	3
Жиззах	3	2	3	3
Қашқадарё	4	3	3	2
Навоий	4	4	4	4
Наманган	3	2	3	3
Самарканд	2	3	3	3
Сурхондарё	4	4	3	3
Сирдарё	3	3	4	4
Тошкент	4	4	4	4
Фарғона	2	3	2	2
Хоразм	2	3	2	3
Тошкент ш.	1	1	1	1

Манба: жадвал муаллиф томонидан ҳисобланган.

Диссертация ишида юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кластерлаш амалга оширилди

(1-жадвал). Унга асосан минтақавий меҳнат бозорлари таҳлил қилиниб, улар 4 турга ажратилди:

1) хизматлар соҳаси кўрсаткичлари, иш билан банд бўлганлар орасида олий маълумотлилар улуши, иш билан банд бўлганлар умумий таркибида тадқиқот ва ишланмалар билан банд ходимлар улуши юқори бўлган меҳнат бозорлари;

2) хизматлар соҳасидаги бандлик даражаси ўртача; иш билан банд бўлганлар орасида олий маълумотлилар улуши ва кичик бизнес соҳасида банд бўлганлар улуши ўртача бўлган меҳнат бозорлар;

3) «сервис» бандлиги ўртачадан юқори, кичик бизнесда ҳамда тадқиқот ва ишланмалар билан банд бўлганлар улуши ўртачадан паст, олий маълумотга эга бўлганлар улуши ўртача ва юқори бўлган меҳнат бозорлари;

4) қайд этилган кўрсаткичлар юқори бўлмаган, иш билан банд бўлганлар орасида олий маълумотлилар улуши ўртача даражадаги меҳнат бозорлари.

Юқорида келтирилган кластерлар доирасида минтақавий меҳнат бозорлари ҳаракатининг таҳлили Ўзбекистон Республикасида бир нечта синф мавжуд эканлигини кўрсатди:

– иш билан бандликнинг «инновацион»лик кўрсаткичлари барқарор даражада юқори бўлган минтақавий меҳнат бозори (Тошкент шаҳри);

– «инновацион»лик кўрсаткичи яхшиланиши кузатилган минтақавий меҳнат бозорлари (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари);

– иш билан бандликнинг «инновацион»лиги барқарор равишда ўртача бўлган минтақавий меҳнат бозорлари (Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари);

– вазият беқарор бўлган минтақавий меҳнат бозорлари (Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари).

Ўтказилган таҳлиллар минтақавий меҳнат бозорларининг турли гуруҳларида янги турдаги иш билан бандликнинг ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, ишда муаллиф томонидан тақлиф этилган минтақавий меҳнат бозорларини инновацион турдаги иш билан бандликни ривожлантириш имкониятлари нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратиш фақат эҳтимолий туркумлашлардан бири ҳисобланади.

Диссертация ишида иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ҳолатининг таҳлили амалга оширилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари таҳлилидан кўринадики, 2005-2017 йиллар давомида республика бўйича жами яратилган иш ўринлари сони 34,2 фоизга камайган. Таъкидлаш жоизки, бу даврда ташкил этилган иш ўринлари Андижон вилоятидан ташқари барча вилоятларда камайган. 2017 йилда республикада яратилган иш ўринларининг қарийб ярми 5 та ҳудуд, яъни Самарқанд, Фарғона вилояти, Қашқадарё ва Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри улушига тўғри келган. 2017 йилда

аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича республика бўйича жами 336,1 мингта янги иш ўрни ташкил этилган.

Республика ва унинг ҳудудларида аҳолининг, айниқса унинг алоҳида категориялари, жумладан, коллеж битирувчилари, аёллар, хориждан қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш кабилар ўта долзарб масалалардан ҳисобланади. Ҳозирда бу борада жойлардаги бошқарув органлари, жумладан, ҳокимликлар раҳбарлари фаолиятини такомиллаштириш чора -тадбирларини фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда диссертация ишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари фаолиятини аҳоли, жумладан, коллеж битирувчилари, аёллар, хориждан қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилган. Ўтказилган тадқиқот натижасида жойлардаги ҳокимлар фаолиятини доимий барқарор иш ўринлари, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аёллар, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифалари, меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш, ташкил этилган иш ўринларининг ҳаққонийлиги каби кўрсаткичлар орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади, деган хулосага келинди.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида бандлиги таъминланган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари сонининг ўзгариши, киши*

Ҳудудлар	Жами битирувчилар сони		Бандлиги таъминланган битирувчилар сони		Бандлиги таъминланган битирувчилар улуши, %	
	2007/2008 ўқув йилида	2016/2017 ўқув йилида	2007/2008 ўқув йилида	2016/2017 ўқув йилида	2007/2008 ўқув йилида	2016/2017 ўқув йилида
Республика бўйича	238 461	453126	195 573	330804	82,0	73,0
Қорақалпоғистон Республикаси	19 396	24024	15 418	16903	79,5	70,4
Андижон	23 304	41030	20 684	29506	88,7	71,9
Бухоро	11 280	26008	9 839	19917	87,2	76,6
Жиззах	8 961	18636	7 564	14548	84,4	78,1
Қашқадарё	18 820	46767	16 800	38867	89,2	83,1
Навоий	7 866	12214	7 191	9008	91,4	73,8
Наманган	18 249	34339	13 527	24516	74,1	71,4
Самарқанд	24 269	53274	19 408	39418	80,0	74,0
Сурхондарё	16 655	38932	13 111	30340	78,7	77,9
Сирдарё	6 443	11156	5 341	8475	82,9	76,0
Тошкент	15 974	35397	10 800	26933	67,6	76,1
Фарғона	23 686	52475	19 241	41692	81,2	79,5
Хоразм	16 216	26394	12 184	17993	75,1	68,2
Тошкент ш.	27 342	32480	24 465	12688	89,4	39,1

* Манба: жадвал Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллар кўрсатадики, 2007/2008 ўқув йилда 82,0 фоизи касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлиги таъминланган бўлса, 2016/2017 ўқув йилда бу кўрсаткич 73,0 фоизга тенг бўлган.

2016/2017 ўқув йилида Хоразм (68,2%), Қорақалпоғистон Республикаси (70,4%), Наманган (71,4%) ва Андижон (71,9%) вилоятларида бандлиги таъминланган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари улуши республика ўртача кўрсаткичидан паст бўлган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳрида касб-ҳунар коллежларини битирувчилардан фақат 39,1 фоизининг бандлиги таъминланганлиги бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Диссертацияда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиришни туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги доимий асосда ишловчи (худудий) комиссиялар томонидан ташкил этиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш бўйича намунавий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, хусусан, битирувчи курс ўқувчилари учун бизнес режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш лозимлиги асослаб берилган.

Диссертацияда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида яратилаётган янги иш ўринларининг ҳақиқий миқёсини белгилаш мақсадида дастур параметрлари таркибига ўзгартириш киритиш, жумладан, корхоналарни оптималлаштириши, банкротга учраши ва тугатилиши натижасида ҳамда индивидуал тадбиркорлик соҳасида қисқартирилган иш ўринларини ҳисобга олган ҳолда уларни белгилаш таклифи ишлаб чиқилган. Ишда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури параметрларини белгилашда қишлоқ хўжалигида мавсумий ва вақтинчалик ишларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида, шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик соҳасидаги бандликни ҳам ҳисобга олиш зарурлиги асослаб берилган.

Учинчи боб **«Миллий меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари»** деб аталиб, унда меҳнат бозорини тартибга солишнинг истиқбол кўрсаткичлари белгилаб берилган, меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича йўл харитаси тузилган, меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар таклиф этилган. Диссертацияда 2025 йилгача бўлган даврга прогноз амалга оширилган. Бу даврда (2017-2025 йй.) ишчи кучи таклифи 4,0 фоизга ортиши кутилади. Истиқболда ишчи кучи таклифининг ортиши асосан меҳнат бозорига илк кировчи шахслар томонидан таъминланади. Ҳисоб-китобларга кўра 2025 йилга бориб уларнинг сони 658,4 минг кишини ташкил этади.

Прогноз қилинаётган даврда меҳнат бозорида ишчи кучига талаб 19,6 фоизга ортиши кузатилади. Бу даврда ишчи кучига талаб таркибида ходимларнинг табиий ишдан кетиши сабабли пайдо бўладиган иш ўринлари

сони – 2,0 фоизга камаяди, меҳнат муассасаларига иш берувчилар томонидан берилган бўш иш ўринлари сони – 37,7, янги ташкил қилинадиган иш ўринлари сони эса 4,7 фоизга ортади.

Мамлакатимизда охириги йилларда давлат томонидан тартибга солиш соҳасида янги илғор технологияларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли мақсадларни боғловчи узоқ муддатли режани намоён этувчи йўл хариталари кенг тарқалди. Йўл харитасини тузиш доирасида ривожланиш прогнозлари ва уларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқишга муҳим ўрин берилади.

